# ЎМРИМИЗНИНГ ҲАР ДАҚИҚАСИ НАВРЎЗГА АЙЛАНСИН!

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 22 март якшанба

Сотувда эркин нархда

№ 61 (1842)










# УЙҒОНИШ, ЯШАРИШ ВА ОРЗУЛАР АЙЁМИ

## Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

Ўлкамизга Наврўзи олам келди. Мамлакатимизнинг шаҳару қишлоқларида, далаю қирларида уйғониш, яшариш фасли бошланди. Халқимиз Наврўз байрамини ҳар йили ўзгача интиқлик, ўзгача орзу билан кутади. Зеро, у энг кўҳна, энг миллий халқ байрамидир. Наврўз табиатнинг уйғониши, янги куннинг, янги йилнинг бошланиши, кун билан тун тенглашган вақт сифатида қадим-қадимдан нишонлаб келинади. Уни ҳеч қандай куч билан халқ қалбидан ўчириб бўлмайди. Одамлар бу байрамни минг йиллар бурун қандай эъзозлаган бўлса, бугун ҳам шундай ардоқлайди. Юртимиз мустақил бўлгач Наврўз янгича мазмун касб этиб, мавқеи янада ортди. Аввалги анъаналари тикланиб, том маънодаги саховат, меҳр-мурувват айёмига айланди. Ҳар бир гўшага, ҳар бир хонадонга Наврўз билан бирга бахт-шодлик кириб келади.

Мамлакатимиз пойтахтининг Алишер Навоий номи билан аталувчи Миллий боғи ўзгача чирой очган. Баҳорни, Наврўзни ифодаловчи байроқлар, гуллар майдон ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Дошқозонларда ҳалим, сумалак қайнамоқда. Кўк сомсаларнинг ҳиди димоғингизга баҳор нафасини олиб киради. Боғ тўридан майдонга мамнун назар ташлаб турган Алишер Навоий гўё биз билан Наврўзи олам тантаналарини кутаётгандек.

Майдон ўртасига катта саҳна ўрнатилган. Унинг атрофидаги жойларни Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган меҳмонлар, пойтахт жамоатчилиги вакиллари эгаллаган. Бу ерга хорижий давлатларнинг элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ҳам ташриф буюрганлар.

Соат 11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов майдонга кириб келади. Мамлакатимиз раҳбарини йиғилганлар гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг раиси Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар марказий минбардан жой эгаллайдилар.

Ислом Каримов Ўзбекистон халқини қутлуғ айём — Наврўз билан табриклаб нутқ сўзлади. Президент ўз табригида бу йилги Наврўз ўзгача шодлик ва қувонч билан ўтаётганини таъкидлади. Мамлакатимизда мустақилликнинг еттинчи Наврўзи нишонланмоқда. Юртимизда шу қисқа фурсатда катта ишлар қилинди. Энг асосийси — халқимиз истиқлол нима эканлигини англаб етди. Бугунги байрамнинг шукуҳи ва жозибаси ҳам мустақиллик шарофатидандир.

Майдонда карнай-сурнай садоси янграйди. Байрам тантаналари бошланади.

Байрам дастури "Табиатнинг тўрт фасли", "Бола бахти — оила бахти", "Ўзбекистон — алплар, алпомишлар юрти", "Ўзбекистоннинг ранг-баранг гулдастаси", "Халқ ижодиёти — санъат сарчашмаси" деб номланган бўлимлардан иборат.

Саҳна узра қизлар ёз фаслини ифодалаб рақсга тушадилар. Ёз ҳамиша тўкинлик фасли сифатида ардоқланган. Куз эса пишиқчилик рамзидир. Саҳнада кузнинг нозу неъматларини саватларда кўтарган турфа ранг либослардаги қизлар пайдо бўлади. Ҳар фаслнинг ўз хислати, ўз фазилати бор. Оқ либосга бурканган раққосалар қишнинг изғиринларини эслатса-да, юрагингизда иликлик уйғотади. Чунки оқ ранг ҳамиша поклик рамзи бўлиб келган.

Баҳорни фаслларнинг келинчаги дейишади. Кўкламда бутун олам келинчак мисол гулу лолаларга бурканади. Олтин водийлар, тоғу даштлар ям-яшил либос кияди. Гўё ҳаёт янгитдан бошлангандай. Айвон ва томларнинг шипига қалдирғоч уя қўяди. Дарахтлар шохида булбулу саваларнинг шўх наволари янграйди. Саҳнада рақс тушаётган баҳор гуллари — ям-яшил либос кийган қизларни кузатар экансиз, Наврўз нафасини тўлароқ ҳис этасиз. Озод Ватан бўйлаб давом этаётган бу тантаналардан қалбингиз ғурурга, фахр-ифтихорга тўлади.

Президентимиз 1998 йилни Оила йили, деб эълон қилди. Оила Шарқда азал-азалдан муқаддас даргоҳ ҳисобланади. Чунки ҳалоллик, ростгўйлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, ор-номус, шарму ҳаё оилада шаклланади. Юртбошимиз бу ҳақда гапириб "Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи..." деган эди.

Саҳнага болалар, нуроний отахон ва онахонлар кириб келади. Чақалоқнинг йиғиси эшитилади. Наврўз ва чақалоқ. Янги кун ва янги инсон. Она замин яшаряпти. Ҳаёт янгитдан бошланяпти. Саҳнада йўлбарс пайдо бўлади. У ҳамиша паҳлавонлик ва мардлик тимсоли бўлиб келган. Йўлбарс йилида дарёлар сувга тўлади, ҳосил мўл бўлади, дейишади. Йилнинг серёғин келиши, қорнинг ҳар йилгидан анча кўп ёғиши бу гапларнинг тўғри эканлигини исботламоқда.

Майдон четидаги чархпалак тиним билмай айланади. У гўё сониялар, дақиқалар сайин умр ўтаётганидан дарак бераётгандай. Истиқлолга эришганимизга етти йил тўлмоқда. Етти Наврўз келди ўшандан буён. Бугун мамлакатимизни дунё таниди. Халқимизнинг турмуш фаровонлиги ҳам яхшиланиб бормоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида Кўкдумалоқ компрессор станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Қўқон спирт ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошлоқ ип йигирув фабрикаси каби ўнлаб саноат корхоналари ишга туширилди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 11,2 фоиз кўпайди. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга 30 миллиард сўм сарфланди. Саноатда 106,5 , қишлоқ хўжалигида 105,8, қурилишда 102,6, савдода 112,7, аҳолига пулли хизмат кўрсатишда 121,3 фоиз ўсишга эришилди. Республикамизга хорижий сармоялар киритиш соҳасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда юзлаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Булар ҳаммаси Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган ишларнинг нақадар ҳаётий эканлигининг исботидир...

Миллий боғнинг катта қисмини ҳунармандлар расталари эгаллаган. Бу расталарда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган зардўзлар, кулоллар, пичоқчилар, гиламдўзлар, темирчилар, дурадгорлар, новвойлар, қандолатчилар ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Наврўз арафасида бундай кўргазмалар ташкил этиш анъанага айланиб қолди. Бу йилги кўргазманинг ўзига хос томони шундаки, ҳунармандлар ўз дастгоҳлари билан келишган. Улар шу ернинг ўзида ҳунармандлик буюмлари ясаш билан шуғулланмоқда. Байрам қатнашчилари ва меҳмонларини ўз ҳунарлари сиридан воқиф этмоқдалар.

От чопса гумбурлар тоғнинг дараси...

Майдонда карнай садолари янграйди. Саҳнага ғалаба билан қайтган Алпомиш ва унинг алп йигитлари кириб келади. Уларни Ойбарчин ўзи каби гўзал ва доно қизлар даврасида кутиб олади. Турли спорт ўйинлари, полвонларнинг чиқишлари кўрсатилади. Балки Наврўз бундан минг йиллар бурун Алпомиш туғилиб вояга етган Бобатоғ этакларида худди бугунгидек байрам қилингандир. Балки Алпомиш билан Ойбарчин Наврўз мусобақаларида от чоптириб, кураш тушиб эл оғзига тушгандир.

Мамлакатимизда Алпомиш достони яратилганлигининг минг йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бу борада ҳукуматимиз махсус қарор қабул қилди. Алпомиш саройлари, Ойбарчин боғлари, кўплаб спорт иншоотлари қурилаяпти. Достоннинг минг йиллигига бағишлаб халқаро конференциялар, спорт мусобақалари ўтказилади.

Бу йил буюк ватандошларимиз Имом Бухорий ва Аҳмад Фарғонийнинг юбилейлари бўлиб ўтади. Бобокалонларимизнинг тўйлари халқаро миқёсда кенг нишонланади. Буларнинг бари истиқлол туфайли юртимизда ўтмиш меросимизга муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги, заминимиз ҳамиша буюк алломалар ватани бўлиб келганлигини жаҳон халқлари томонидан тан олинаётганлигининг яна бир ифодасидир.

Кўп йиллик анъанага кўра, Наврўз арафасида юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида халқ ҳашарлари бўлиб ўтди. Кўчалар, маҳаллалар тозаланиб, ободончилик ишлари олиб борилди. Кўчатлар ўтқазилмоқда, боғлар барпо этилмоқда. Наврўзнинг энг яхши удумларидан яна бири боқувчисиз қолган болалар, кексалар, беморлар ҳолидан хабар олишдир. "Маҳалла", "Наврўз", "Соғлом авлод учун" ва бошқа хайрия жамғармалари, ҳокимликлар вакиллари меҳрибонлик уйлари, шифохоналарда бўлишиб Наврўз совғаларини улашдилар...

Ўлкамизнинг ҳар бир вилояти ўзига хос, такрорланмас санъатга эга. Ҳар бир вилоят санъаткорларининг дастурида Наврўзи олам, халқимизнинг қадимий урф-одатлари, гўзал маросимлари, она юрт, унинг сахий инсонлари ва бетакрор табиати тараннум этилади.

Юртимизнинг турли вилоятларидан келган оилавий ансамбллар ижросидаги куй ва қўшиқлар, замонавий миллий эстрадамиз юлдузларининг чиқишлари ҳам байрам тантаналарига кўтаринки руҳ бағишлади.

Байрам мушакбозлик билан якунланди.

Президент Ислом Каримов тантаналар сўнггида ҳунармандлар кўргазмаси билан танишди.

Шу куни Наврўз тантаналари пойтахтимизнинг Мустақиллик, Халқлар дўстлиги, Мирзо Улуғбек, Хадра, Алишер Навоий номидаги театр олдидаги майдонларда, Амир Темур хиёбонида, Сайлгоҳ кўчасида, истироҳат боғларида ҳам нишонланди.

Наврўз бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйди. Пойтахтда бошланган тантаналар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва туманлар марказларига, шаҳар ва қишлоқларга ёйилди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, Наврўз бир кунлик байрам эмас. У ўлкамизда баҳор бўйи давом этади.

**Б. ЭГАМҚУЛОВ,**
**ЎзА махсус мухбири**

**А. ТЎРАЕВ ва Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган суратлар**

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

*Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!*

*Қадрли дўстлар!*

*Муҳтарам меҳмонлар!*

*Ҳар бирингизни орзиқиб кутилган қадимий айём — Наврўзи олам хонадонларимизга кириб келгани билан муборакбод этаман!*

*Наврўз — табиат уйғониши фасли, ҳаёт байрами, миллий одат ва қадриятларимизнинг энг олий тимсолидир.*

*Бу қутлуғ паллада Оллоҳ яратган бутун борлиқ уйғонади. Табиат янгиланади. Табиатнинг узвий қисми бўлмиш одамзот ҳам беихтиёр руҳан покланади. Қалбига эзгуликка интилиш, янги умид-орзулар ва куч-қувват киради.*

*Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, шу билан бирга, бизнинг неча минг йиллик миллий қиёфамизнинг, урф-одатларимизнинг мангулик ифодаси, тасдиғидир.*

*Яқин тарихимизга бир назар ташласак, айнан Наврўзи олам ҳаётимизда қайта тикланиши, унинг қутлуғ қадамлари бевосита ўзлигимизни англаш, миллий онг, миллий ғурур ва туйғуларимизнинг уйғонишига туртки бўлиб, мустақиллигимизга эришиш, жамиятимизнинг янгиланиши йўлидаги биринчи қадамлар билан боғланиб кетгани ҳам бежиз эмас десак, ҳеч қандай хато бўлмас, деб ўйлайман.*

*Азиз биродарлар!*

*Тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган юртга байрам ярашади. Тотувлик, осудалик бор жойдан бало-қазолар йироқ юради. Аждодларимиз Наврўзи оламни ёруғлик куни, хайру эҳсон ва меҳрибонлик палласи деб билганлар. Беморлар, етим-есир, кўнгли ярим бева-бечораларга беминнат ёрдам кўрсатиб, меҳрга муҳтож бўлганларни зиёрат қилиб, уларнинг кўнгилларини кўтариб, дуоларини олганлар. Ота-боболаримизнинг бундай эзгу удумини давом эттирмоқ биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.*

*Наврўз айёмининг ҳаётбахш руҳи умумбашарий қадриятларга ҳамоҳангдир. Шу боис, у мамлакатимиздаги барча миллат ва элат вакилларининг, ёшу қари барча инсонларнинг умумий шодиёнасига айлангани бежиз эмас. Бу ҳолни Ўзбекистонимиздаги аҳиллик, меҳр-оқибат, тинчлик ва осойишталик барқарорлигининг далолати, деб айтсак асло муболаға бўлмас.*

*Муҳтарам юртдошларим!*

*Наврўз дамларида одамзот оиласига, фарзандларига боқиб, уларнинг бахтини, иқболини кўрмоқни истайди.*

*Оила — меҳр-муҳаббат маскани.*

*Оила иқболи — юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги гарови.*

*Оила — жамият асоси, пойдевори. Унинг фаровон бўлиши, фарзандларимизнинг баркамол бўлиб вояга етиши — Ватан бойлиги ва қудратининг асосидир.*

*Ана шу қутлуғ дақиқаларда Оллоҳ назари тушган Ўзбекистон заминида яшаётган барча оилаларга, нуроний оталаримизга, дуогўй оналаримизга, мунис аёлларимизга, ўғил-қизларимизга ва ширин-шакар невараларимизга чин қалбимдан ўз меҳр-муҳаббатимни, эзгу тилакларимни билдирмоқчиман.*

*Илоё, кириб келаётган Янги йилда Ўзбекистон заминида ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадондан файз-барака аримасин, эзгу ниятлар амалга ошсин, қувончли кунлар янада кўпроқ бўлсин. Қарияларимизнинг умрини, ёшларимизнинг бахтини берсин.*

*Бугун юртимизга баҳор кириб келаётган дамларда, халқимизнинг азалий урф-одатларига амал қилиб, заҳматкаш, фидойи деҳқонларимиз меҳнатига чексиз ҳурматимни яна бир бор изҳор этмоқчиман:*

*Янги мавсумингиз баракали бўлсин! Қадаган уруғларингиз, эккан кўчатларингиз бехато кўкарсин, мўл-кўл ҳосил берсин!*

*Ҳаммамиз учун муқаддас, бетакрор заминимизга берган меҳримиз, саховатимиз юртимизга файзу барака келтирсин, дастурхонимизни тўкин-сочин қилсин! Ҳар бир инсон ўз меҳнатининг роҳатини кўрсин!*

*Гўзал Ватанимиз ҳамиша омон бўлсин!*

*Умримизнинг ҳар дақиқаси Наврўзга айлансин!*

*Улуғ айём барчамизга муборак бўлсин!*

# ЭНГ ҚУТЛУҒ КУН ҚУВОНЧЛАРИ

**Бугун Ўзбекистон жаҳонга қарсиллаган тўй бераяпти. Наврўз шарафига. Сурхону Қашқа воҳасида, буёғи Самарқанду Жиззах ҳамда Сирдарёгача кўпкари бошланиб кетди. Чавандозларнинг «Ҳайу ҳути», отлар дупури, алпқомат азаматларнинг «ё— пирим»лаб курашга тушиши, бармоқлари орасида чўғ сачратиб бир-бирига беркишиб чил солиши, ер-осмонни гулдиратиб куч синаши, ай, бу тўйимизнинг бўлакчалигидан дарак.**

Бахшиларимизнинг кўнгилни титроққа солиб достон куйлаши бугун Алпомишни уйғотаяпти. Оҳанглар кучи фалакни тўзғитмоқда. Халқ — гўзал санъаткор. Халқ— гўзал шоир... Халқ — истеъдод. Тўйи шундай бўлган халқнинг куч-қудрати уммонлар тўлқинининг забти, бўронлар шиддатидан-да баланд келади. Негаки, бу халқда неки мавжуд, унинг ичидадир. Ичдаги қувват мукаммалдир.

Ўзбекистонни жаҳон томоша қилаяпти. Қитъалар кузатаяпти. Ўзбекистон баҳорни қутлаяпти.

Сўлим водий, Бухоро, Хоразм, Қорақалпоқ томонлардан қадимий оҳанглар келмоқда.

Қудратли мамлакатнинг англаб улгурган ҳақиқати, еру осмон оралиғидаги мавжудликни ҳурмат қилиш, асраб-авайлашдан иборат бўлади. Мана шунинг ўзи— бугунги байрамимизнинг асил моҳияти эмасми?

Сурхон адирида бўй чўзиб, чарақлаб кулган бойчечак, Амударё бўйларида порлаб очилган олма гулидан бугун Тошкент шавққа тўлди.

Бугунни куй-қўшиқ байрами десак...

Бугунни тинчлик байрами десак...

Бугунни барака байрами десак...

Бугунни катталар, болалар, тотувлик, биродарлик, қуёшнинг, ернинг, самонинг, гулларнинг, йўлларнинг, дилларнинг байрами десак.... борингки, шу ёруғ дунёни кўриб турганимиз учун шукроналик ҳамду сано байрами десак ярашади!

Бугун шодлик айёмида Тошкент шаҳаридаги халқ сайилгоҳларини айланиб чиқдик.

Дарёдай оқаётган дарёдил одамларнинг ботинидаги дарё туйғуларини қоғозга туширмоқ бўлдик. Ҳамма Наврўзни яхши деди. Ҳамма Наврўзни соғинганини айтди. Ҳамма бугун баҳор деди. Ҳамма бугун, эртага, индин, сўнгра... бир умр Наврўз бўлишини ният қилди...

Навоий вилоятининг Хатирчи туманидан Ўктам Пиримов деган ҳамюртимизни Амир Темур майдонида учратдик. Учта ўғли ёнида. Учаласи ҳам бир кунда — Наврўз куни туғилган. Уччови ҳам Наврўз, дейди у кулимсираб... Қумқўрғон туманидан келган Холли бобо саксон ёшни қоралаган. Жуссадор. Бақувват чол. У киши Амир Темур бобомизнинг ҳайкали қошида қўлларини дуога очиб, элга омонлик, фарзандларимизга жасорат ва мардлик сўраб тиловат қилдилар.

Айтинг, бундай хислатли халқни дарёга менгзамай бўлурми?

...Байрам либосига бурканган Алишер Навоий номли миллий боғдаги байрам саҳнасининг икки томонидан ўрин олган миллий ҳунармандчилик намуналари намойиш қилинган расталарни айланар эканмиз хаёлдан беихтиёр ана шундай ўйфикрлар кечди. Томоша баҳона ҳунармандларни суҳбатга тортдик.

— Жиззахнинг Ҳамид Олимжон номли ширкат хўжалигиданман, — дейди Қўчқорбек Қозоқов. — Ҳунармандчилик бизга отамерос касб. Беш ўғлим бор. Бешови ҳам бобосининг йўлини тутди. Сиз кўриб турган бешик, аравача, ёғоч ўйинчоқларни ҳам улар ясашган.

Навоийнинг Хатирчисидан келган каштачи Адолат Жалилованинг қувончи чексиз.

— Каштачилик билан уй шароитида шуғулланамиз, — дейди у, — ипини урчуқда ўзимиз йигириб, ўзимиз бўяб, ўзимиз тикамиз. Биз томонларда агар бўйга етган қизнинг сепи тайёр бўлмаса турмушга беришмайди. Сепининг орасида албатта кашталар бўлиши шарт. Уларни аксарият ҳолларда қизнинг ўзи тикади.

Мана бу раста хоразмлик ҳунармандларники. Ундан Хоразмга хос кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, гиламчилик, мисгарлик намуналари ўрин олган. «Отажоновлар сулоси»ни Хоразмда етти яшардан етмиш яшаргача танишади. Еттинчи авлод саналадиган Одилбек Матжонов Беҳзод мукофотини олган.

Қашқадарёлик, сурхондарёлик ҳунармандлар гилам, кигиз маҳсулотларини намойиш қилишмоқда. Улар турли-туман ва ранг-баранг: араби, ғожарий, терма, қия, ўртахат. деб аталади. Патли жулхурс гиламлари кўзни қамаштиради. Иккинчи томонда қадимий мунчоқлар.

Расталар олдидан кунбўйи одам аримади. Айниқса,шаҳарликлар ҳамда хорижликлар учун булар чинданам ҳақиқий ва тирик мўъжиза эди. Демак эзгу удумларимиз давом этаяпти, яшаяпти.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги улуғ аллома номи билан аталувчи сўлим майдонда ҳам кун бўйи Наврўз сайли давом этди. Бу ерда Ўзбекистон Телерадиокомпанияси қошидаги Дони Зокиров номли халқ чолғу оркестри, эстрада симфоник оркестри, Дуторчилар, «Баҳор» рақс ансамбллари ҳамда болаларнинг севимли «Булбулча» хори жамоалари ўз санъатларини намойиш этишди. Республикада хизмат кўрсатган артист, қатор халқаро танловлар совриндори, таниқли машшоқ Шуҳрат Йўлдошев ғижжакда нозик дид ва юксак маҳорат билан ижро этган ранг-баранг куйлар юракларни титратди.

Юртимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби байрам кайфиятига кўмилган пойтахтдаги Навоий номли театр майдонидаги тантаналар ҳам ниҳоятда шукуҳли ўтди. Бу ерда Наврўзга ҳамоҳанг болалар дунёсининг мўъжизалари намойиш этилди. Гавжум майдонлар узра ватанни мадҳ этувчи, дилларни яйраттувчи қўшиқлар янгради, барчага баҳорий кайфият улашди.

**Исмат ХУДОЁРОВ,**
**Қўчқор НОРҚОБИЛ,**
**Ойбек РАҲИМОВ,**
**Ғафур ШЕРМУҲАММАД,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

